24 ЯНВ 1992

Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 21 январь • Пайшанба • № 9 (14037) ترکستان ✻ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Жиноятчиликка қарши кураш — ҳамманинг бурчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШАХСАН ТОПШИРИҒИГА ҚУРА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БОШЛАНДИ

НИҲОЯТ, одамларнинг кўксига сал шамол тегди. Халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини, эркини таниётган бугунги кунда бу ниҳоят зарур эди. Айниқса бозор иқтисоди шароитида жиноий гуруҳларнинг, товламачиларнинг ҳақиқий қиёфаси очилиб қолди. Биргина Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида уюшган жиноятчиликка қарши дастлабки зарбалар берилди ҳам. Демак, кураш бошланди. Энди ортга қайтиш йўқ!

ОЛҒИРЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Ўзбекистоннинг Шимолий дарвозаси ҳисобланмиш, Қорақалпоғистонда ҳам республикадан четга ноқонуний йўл билан олиб кетилаётган товар моддий бойликларини ушлаш ҳоллари тез-тез рўй бериб турибди.

Шуниси таажжубланарлики, кундалик эҳтиёж моллари гуруч, ун, макарон, пахта ёғи каби озиқ-овқатлар билан бир қаторда тирик жонзотларнинг ҳам ғайриқонуний равишда Ўзбекистондан четга олиб кетилишига уриниш содир этилмоқда. Иш шу тарзда давом этаверса, яқин бир-икки йил ичида уй ҳайвонлари ҳисобланмиш туя, отларни қорақалпоғистонлик болалар фақат ҳайвонот боғларида томоша қилишмаса деб қўрқаман.

Нефть маҳсулотларининг баҳоси бир неча баробар ошиб кетгач, кўп жойларда қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда ҳам қулай, ҳам арзонга тушадиган уй ҳайвонларидан фойдаланишаётгани сир эмас. Шу сабабдан кўпгина ишбилармонларнинг Қорақалпоғистонга «ишқи» тушиб қолган бўлса ажаб эмас. Қўшни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳри фуқаролари Ж. Боймирзаев ва К. Айтматовлар КАМАЗ юк машиналарида ўзимизнинг қишлоқ хўжалигига зарур бўлган тўрт бош туя, икки бош отни ҳамда учта қорамолни ноқонуний равишда олиб кетилаётганида қўлга олинди.

ЧУЧИБ КЕТДИ

«Бухоро-1» темир йўл станцияси тармоқ ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимаси ходимларининг ҳушёрлиги туфайли фалокатнинг олди олинди.

Воқеа бундай бўлганди. Навбатчилик хизматини ўтаётган милиция катта сержанти Фурқат Боймуродов ва милиция кичик сержанти Паттоҳ Жалиловлар одатдагидек «Душанбе—Москва» поезди вагонларини айланиб, кўздан кечираётган эдилар. Поезд Қоракўл бекатига яқинлашаётганида уларнинг диққатини 13-вагондаги бир йўловчи тортди. У осойишталик посбонларига кўзи тушиши биланоқ безовта бўлиб, асабийлаша бошлади. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимларини қизиқтириб қўйди. Текшириб кўрилганда, йўловчининг безовталанишы бежиз эмаслиги аниқланди. Унинг қўйнида 8 та жанговар ўқи бўлган Макаров тўппончаси бор экан.

Душанбелик 23 яшар бу йигитча ким? Унга тўппонча нега зарур бўлиб қолди? У бу жанговар қуролдан илгари фойдаланганми? Шу каби саволларга терговда жавоб топилади.

Бухоро вилояти.
И. САФАРОВ,
(ЎзА мухбири).

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Қўқонда уюшган жиноятчилар гуруҳи фош этилди. Улардан қўлбола тўппонча, қирқма милтиқ, ҳатто Ф—1 маркали граната, аччиқ тутун чиқарувчи мослама, кўплаб қорадорилар ва 10 миллион сўмликдан зиёд ўмарилган буюмлар тортиб олинди. Қўлга тушганлар орасида Қўқон шаҳар А. Исломов кўчаси 138-уйда яшаган Турдиали Мирзаалиев деган одам бор. У тўрт маротаба судланган.

Т. Мирзаалиевнинг номи жиноятчилар дунёсида анча машҳур. У ўғриларни ўз атрофига йиғиб, жиноий ишларга даъват этишда айбланмоқда. Шунингдек, бу шахс Данғара туманидаги умумий овқатланиш корхонасига қарашли ижарага олган 10-«Нодирабегим» ошхонаси ҳовлисида Ўзбекистон Конституциясининг 121-моддасига зид ҳолда жазоловчи гуруҳлар тузиб, фуқароларни қонунсиз калтаклатган. Ҳар ойда солиқ бериб турмаган савдо ташкилотлари бошлиқлари, айрим раҳбарлар билан алоҳида ҳисобкитоб қилган. Келинг, яхшиси бир-икки мисол келтирайлик. 1992 йили 14 декабрь куни бу гуруҳ аъзолари қўқонлик Н. С. исмли шахсни «нега сен шаҳарда ҳаракат қилаётган рэкэтчиларни милицияга айтдинг» деган баҳона билан жазолаб, 10 минг сўмлик телпаги; 25 сўм пулни олиб қўйиб, бўйнига яна бир миллион «солиқ» солган. 25 ноябрь куни эса Р. К. исмли фуқарони калтаклаб, бир неча соат боғлаб қўйди. Унинг енгил машинаси ҳам шу ерда қолди.

— Ҳозиргача 12 та ана шундай уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини милиция подполковниги Имомали Мирсоатов. — Бу каби гуруҳларга бош бўлган 51 шахс ҳозир қонун олдида жавоб бермоқда.

В. КАМОЛОВ,
(ЎзА мухбири).

УЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Сурхондарё бозорларида 1 кило қўй гўштининг нархи 350—400, мол гўштиники эса 170—200 сўмга чиқиб кетди. Нарх-наво кунданкунга кўтарилиб бормоқда, бунинг сабаби нимада?

Яқинда вилоят ҳокими бу ҳолга барҳам бериш мақсадида чорва молларининг четга чиқиб кетишини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда олиб кетилаётган моллар қайтарилиб, давлат харид нархларида сотиб олиниши таъкидланган.

ҲИСОБЛИ ДУНЁ

Қашқадарё вилоятининг бир қатор корхоналарида табиатга зарар етказилаётгани, улар чиқараётган оқава сувларда заҳарли моддалар миқдори меъёридан зиёдлиги аниқланди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари сўнгги чорани кўришга мажбур бўлдилар. Натижада Қарши ёғ экстракция заводи 34970 сўм, Муборак газни қайта ишлаш заводи 120 минг сўм, электр тармоқлари ремонт-қурилиш бошқармаси 55737 сўм, «Қаршииндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси 26584 сўм жарима тўлади. Ҳисобли дунё.

ҚОРНИ ТУҚНИНГ...

1992 йилда вилоят ижтимоий таъминот ва алоқа бўлимлари ходимларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари туфайли Косон туманида 20 миллион, Қарши туманида 17 миллион, Шаҳрисабз туманида 2,5 миллион сўм маблағ — ҳар хил турдаги нафақалар эгаларига вақтида етказиб берилмади. Натижада ёрдамга муҳтож айрим кишилар 6 ойлаб нафақаларини ололмадилар. «Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ» деган нақл шунга ўхшаш ҳолатларни кўзда тутиб айтилган бўлса, не ажаб!

Қашқадарё вилояти.
А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ ЁЗГАН БОЛА.



МУРОДЖОН—7-СИНФДА ЎҚИЯПТИ

Уни республикада танимаган одам қолмади. 9 ёшли боланинг 6-синфда ўқиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Янги йилдан, аниқроғи, қишки таътилдан сўнг ўзининг 17 нафар тенгдоши билан биргаликда 7-синфга ўтди.

Яқинда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш жумҳурият жамғармасига Туркиядан ажойиб «бандероль» келди. Уни туркиялик ўқувчилар бирон бир мактаб болалари билан дўстона алоқа ўрнатиш мақсадида йўллашган экан.

Янги йил арафасида эса Улуғбек жамғармаси, республика ўқув методика маркази ходимлари «совға»ни ўқувчиларга топширишди.

СУРАТЛАРДА: 9-ёшли 7-синф ўқувчиси Муроджон Шарипов ва унинг синфдошлари, устозлари ҳаётидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи

Муҳаммад АМИН.

КАРВОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Марказий телевидениенинг «Янгиликлар» кўрсатувини олиб борувчилардан бири — кўзига деразадек ойнак таққан суҳандон АҚШ билан Россия ўртасида куни кеча имзоланган стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги янги битимни шарҳлар экан, Украина унга қўшилиш, учун шундай қуролларни қисқартириш харажатларини тўлашни, бунинг устига мамлакат хавфсизлигини таъминланишига кафолат берилишини писанда қилаётганини айтиб, бу борада яна бир — «мусулмонлар атом қуроли» муаммоси ҳам пайдо бўлганини қистириб ўтди. Шу тариқа у Марказий Осиё мамлакатларининг Тошкентда асос солинган ҳамдўстлигига қўланка ташламоқчи бўлди. Бу ҳамдўстликнинг собиқадам асосчиларидан бири — Қозоғистонда шу турдаги қурол борлигига шаъма қилинди. Унинг совуқ қарашидан аввалги замон бўлганда-ку, бундай ҳамкорликни ҳатто тушида айтганнинг ҳам тилини суғуриб олган бўлур эдик, демоқчи эканини уқиб олиш қийин эмасди.

Кўп ўтмай, мустабид тузумнинг ашаддий жарчиси жаноб Жириновский ўзига ўхшаган ҳовлиқканлар йиғинида сўзга чиқиб, АҚШ битта ҳам ўқ узмай бутун бошлиқ давлатимизни қулатди. Ҳокимият тепасига чиқиб олсам, собиқ иттифоқни тезда тиклардим деб мақтанди. Гўё ана шундагина ҳозирги таназзулга чек қўйилар, ўзаро низолар барҳам топар, одамлар эмин-эркин яшар эмиш.

Афтидан, бир вақтлардаги машъум «узиб қўйилган вагон» ғояси болалаётганга ўхшайди. Бироқ энди қўлни қайириб, кишан солинадиган вақтлар ўтиб кетди. Ҳушёр сарбон етакчилигидаги карвонимиз аллақачоноқ йўлга чиқди. У ҳуружлардан ҳайиқмай, манзил сари дадил бораверади.

Ё. ИБРОҲИМОВ.
(ЎзА).

МИЛЛИОН СЎМЛИК БОҒЧА

Миллион сўм! Эҳ-ҳе, дердик бир йил бурун. Ақлимиз бовар қилмас эди уч йил бурун. Энди эса...

Тошлоқнинг «Яккатут» жамоа хўжалигида 90 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди. Янги йилнинг дастлабки кунларида эса, боғча опалар колхозчиларнинг жажжи фарзандларини ана шу бинода кутиб олишди. Кенг ва ёруғ хоналар болакайларнинг қийқириғи билан тўлди.

«БОМБЕЙ»ДА УЧРАШГУНЧА....

Ҳинд киноси шайдоларини хурсанд қиладиган бир хабарни етказсак. Ҳурматли киносеварлар, энди сиз севгига тўлиб-тошган ҳиндларнинг фильмларини беармон кўришни истасангиз, Тошкентдаги Кино уйида очилган «Бомбей» видео-кинозалига ташриф буюришингиз мумкин. Эътиборингизга машҳур «Сангам»у «Дайди»дан тортиб, энг янги фильмларгача ҳавола қилинади. Мабодо, машҳур ва ҳали бизнинг томошабинга унчалар таниш бўлмаган ҳинд актёрлари республикамизга ташриф буюргудек бўлса, уларни ҳам «Бомбей»дан топасиз.

ЁШ ҲОФИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фарғонада Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров номидаги мукофот учун вилоят ёш ҳофизларининг кўрик танлови бўлиб ўтди. Қирқдан зиёд ҳаваскор хонандалар ижро этган қўшиқлар миллийлиги, жозибадорлиги билан ажралиб турди. Қувасойлик Муҳсинжон Мирзааҳмедов, риштонлик Рафиқ Дадабоев, Фарғона шаҳар 1-ўрта мактаб ўқувчиси Гулсанам Мамазойитова кўрик ғолиби бўлди.

— Бу каби беллашувлар Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам ўтказилади, — дейди Фарғона вилояти ёш ижодкорлар уюшмаси директори Абдуҳалил Раҳимов. — Наврўз байрами кунларида эса уч вилоят ғолиблари иштирокида мусобақа бўлиб ўтади. Бу беллашувда ғолиб деб топилганларга Таваккал Қодиров дастҳати туширилган тор ва қимматбаҳо совғалар топширамиз.

(ЎзА мухбири).

БОЛАЛАР ИССИҚДА-Ю, ОНАЛАР...

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан аёллар меҳнат қилишади. Уларнинг фарзандлари эса корхона ёнгинасидаги боғчада тарбияланишади.

Боғча қишда яхши иситилмас эди. Корхона маъмурияти ўз маблағи ҳисобидан чоғроқ қозонхона қуриб, бу муаммони ҳал этди.

Лекин «Коммунтеплоэнергия» бирлашмаси айби билан корхонанинг асосий бинолари, иш жойлари кўнгилдагидек иситилмаяпти. Хулас, болалар иссиқда, оналар совуқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

УЛАР АНГЛИЯДА ЎҚИШАДИ

Бундан бир оз муддат олдин Фарғонада инглиз тилини тезкор ўргатиш курслари очилган эди. Ушбу курсларни юзлаб қизиқувчилар ва ишбилармонлар битириб чиқишди. Лекин гап бу курс хусусида эмас. Вилоят ишбилармонлар ва тадбиркорлар уюшмаси Қува туманидаги «Шаҳбоз» хусусий фирмаси раҳбари 26 ёшли Улуғбек Саидқодиров ҳамда «Сардор» кўп тармоқли фирмасининг таъсисчиси 32 ёшли Иброҳим Ҳамидовларни Лондондаги бизнес мактабига ўқишга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Англиядаги ўқиш ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси ишбилармонлар ва тадбиркорлар Иттифоқи ҳамда ишбилармонликни тадқиқ қилувчи инглиз маркази ўз зиммасига олган.

Шундай қилиб, фарғоналик тадбиркорларнинг ёш вакиллари Оврупода, жаҳон тараққиётининг бешикларидан бири Англияда иқтисодиёт сирларидан сабоқ олишади.

(Ўз мухбиримиз).

ҚАЙТА УМР БАҒИШЛАНМОҚДА

«Ёзёвон» техник-тижорат кичик корхонаси усталари турли маркадаги сув насосларига «иккинчи умр» бағишламоқдалар. Чўян қўйиш йўлга қўйилгани, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш юзасидан Қозоғистоннинг «Манкетсельмаш» заводи ҳамда Қирғизистондаги сурма комбинати билан узоқ муддатли шартнома тузилгани қўл келди. Ҳозир на фақат Фарғона, балки Андижон ва Наманган вилоятларидан келтирилган сув насослари ҳам таъмирланмоқда.

Фарғона вилояти.
К. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ҚУРИҚ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон» нашриёти Қорақалпоғистонлик журналист Янгибой Кўчқоровнинг «Қуриқда боғ яратиб» сарлавҳали китобини босмадан чиқарди. Китоб асосан қуриқ Элликқалъа туманидаги «Қорақалпоғистон 50 йиллиги» боғдорчилик ва узумчилик давлат хўжалиги тарихи ҳақида бўлса-да, бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

ЭЪТИРОФ

Куни кеча «Останкино» телевидениеси ҳақиқатга илк бор адолат кўзи билан боқди. «Уларни халқ сайлаган» туркумида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кундаги жўшқин, кўп қиррали ҳаёти ва Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона, узоқни олдиндан равшан кўра билиш сиёсати самарасининг айрим лавҳаларини рўйи-рост кўрсатишга бағишланган видеофильмни намойиш этди. Бу жумҳуриятимизнинг бирор бир фуқаросини бефарқ қолдирмади, албатта. Таҳририятимизга муштарийлардан келаётган кўпдан-кўп хатлар, телефон қўнғироқлари бундан яққол далолат бериб турибди. Ахир яқин-яқинда собиқ марказда чоп этиладиган газета-журналлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар республикамизга қанчадан-қанча бўҳтон тошларини отгани ҳамманинг ёдида.

Доно халқимиз «Ит ҳуради, карвон ўтаверади», деб бежиз айтмаган. Олтинга ҳар қанча балчиқ чалпиб, қора суртилмасин, ўз жилосини йўқотмайди. Ҳақиқат ҳам эртами-кеч тантана қилиши турган гап. Шу жиҳатдан Ўзбекистон мустақил республикалар ўртасида барқарор ривожланаётгани, тинчлик осойишталик ҳукмронлиги, кўп миллатли фуқароларимиз аҳиллик, омилкорлик билан машаққатли бозор иқтисодиёти зарбаларини бартараф этаётганлиги ҳақидаги бу кўрсатув ўзининг долзарб ва аҳамиятлилиги билан диққатга сазовор. Унда Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги тутган мавқеи, ўз йўлидан дадил одим отаётганлиги, жумҳуриятимизга раҳбар — элбоши Президентимиз Ислом Каримовнинг доно ва дадил, фуқароларнинг манфаатини кўзлаб юритаётган сиёсати яққол ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик ҳавосидан эркин нафас ола бошлаганига бир ярим йил бўлди. Агар жоиз бўлса, бу — тарих учун учқун чақнаб сўнгунча бўлган сониянинг мингдан бирига тенг. Лекин шу давр ичида Ўзбекистонимизни мустақил давлат сифатида дунёнинг қариб 130 мамлакати тан олди. 60 дан зиёд хорижий давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, бир қатор мамлакатларда Ўзбекистоннинг элчихоналари очилди. Жумҳуриятимизда кўпдан-кўп хорижданги дўстлар билан қўшма корхоналар барпо этилди ва ҳозирда улар маҳсулот бера бошлади. Амалга оширилган ишлар беқиёс ва режалар катта. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари улканлиги аён. Шу қисқа муддат ичида ўндан зиёд хорижий мамлакатларга Президентимиз бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг расмий таҳрифлари ва имзоланган ҳужжатлар, дунёдаги энг нуфузли ташкилотларга аъзо бўлганлигимиз буни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида ислоҳотнинг барча йўналишлари жумҳуриятимиз аҳлининг манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб борилмоқда. Бунга республикамизда 500 минг гектар ер қишлоқ аҳлига томорқа тариқасида берилганлиги ғоят катта ер ислоҳоти самарасидир. Шунингдек, Президентимизнинг фуқароларни, талабаларни, зиёлиларни — барчани бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари, ишбилармонлар фаолият кўрсатишини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар билан тенглаша оладиган Конституцияси — истиқбол сари ўз йўлимиз билан дадил одим ташлаётганлигимизнинг далилидир.

Карим РАҲИМ,
«Туркистон»нинг сиёсий шарҳловчиси.

Ҳамза номидаги Давлат мукофотига номзодлар

«МЕН ВАТАНИМ ЮРАГИНИ ЧИЗАМАН»

ШЕЪРИЯТ, бу руҳият парчаларидир, шеър — руҳият деб аталган ўчмас алангадан сачраган учқун. Ундан кўнгилга тафту ҳарорат боради. Меҳр боради, мадад боради. Шундан унга талпингувчилар кўп, дил ёргувчилар кўп. Шеър — муқаддас руҳнинг сўздаги шакли. Сўз шоир учун ҳамма нарса ўрнини босади: сўз — ранг, рангларнинг алвон-алвон товланишидир; сўз — ҳолат, ҳолату кайфиятнинг турфа хил кўринишларидир; сўз — ҳис, ҳис-туйғунинг теран қатламларидаги жунбушлар акс-садосидир; сўз — оҳанг, оҳангу ранг-баранг садолар инъикосидир; сўз — ишқдир, сўз — шеърдир, сўз — руҳдир, Муқаддас руҳ...

Оламни шеърда кўрмоқ, биз яшаб турган ҳаётни шеърият орқали идрок этмоқ ва уни оқ қоғоз юзига тўкиб солмоқ учун чиндан ҳам худо берган салоҳият, истеъдод бўлмоғи керак. Ўн саккиз минг оламдаги беадад махлуқоту мавжудот асло бир-бирига ўхшамаганидек, шоирлар ҳам ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам — куни ва туни бор, боғи ва тоғи, чамани ва саҳроси бор. Шунисси қизиқ-да.

Истеъдодли шоир Тўлан Низом гўзал водийнинг ўғли, ўғиллик меҳри ва сўз айтиш санъати уни Фарғона куйчисига айлантирди. Шоирнинг олами — бу, Фарғона водийси, унинг танти ва жўмард кишилари, шарқироқ сойлари, чаманга айланаётган чўллари, олис ва шарафли тарихи, буюк фарзандларининг фожеий қисмати, бу қисматларнинг ҳали очилмаган қатлари... Шоир Фарғона тимсолида Ўзбекистонни, Туркистонни, жаҳонни кўради. Оламнинг кенглигидан ҳайратларга тушади. Шоир гўзал водийнинг қоқ марказида яшар экан, ижод заҳматларини тортар экан, оламнинг маркази шу ердир, дегандай бўлади, ифтихор ҳиссини туяди. Бундай дейиш шоирнинг ҳаққи-ҳуқуқидир. Ифтихор туйғуси шунчаларки, ёр юрган Фарғона йўлларини орзиқиб таърифлаб, «Суламмон тоғидек кўкўпар» Фарғона чинорларини васф этиб, Фарғона шамолларини ҳам шеърга солади. Фарғона шамолларида «Украина елларин майинлиги йўқ», у «Кавказ шаббодаларин куйини чалмайди», унинг қаноти ипак эмас, у эсганда «пахтасига ишлайди чанг ичра деҳқонлари»... Лекин юртини севган шоир учун Фарғона шамоллари — «У — жасорат, у — мардлик!..»

Шеър — шоирнинг ҳаёти тавсифи. Тўлан Низом илҳомни олислардан, ўзи кўрмаган эшитмаган томонлардан изламайди, у «ёнидан оққан сув»нинг қадрига етадиган шоир, Фақат ўзи кўриб ҳис этган воқеалар, нарсалар ҳақида қалам тебратади. У шеърнинг ҳолат сурати эканлигини яхши билади. Чиндан ҳам шеър бизга ҳолатни ифода этиб берсин, суратини чизиб берсин. Биз шеърдан жуда катта фикр ҳам кутмаймиз. Агар бизга доно фикрлар керак бўлса, жаҳоннинг зукко донишмандлари китобларида улар исталганча топилгуси. Қарийб барча фикрлар айтилган ҳам. Иоганнес Р. Бехерда шундай мулоҳаза бор эди. Унга кўра, Хомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарларида ҳамма нарса ҳақида айтиб кетилган, лекин умумий қилиб айтилган алоҳида-алоҳида айтиш имкони эса ҳали-ҳануз бор...« Алоҳида-алоҳида айтиш» — демак, шоирнинг, қаҳрамоннинг бугунги ҳолатини чизиб бериш, сурратини солиш керак. Тўлан Низом ижодида ана шундай ҳолат суратини чизишнинг ажойиб намуналари бор.

Аҳдга гувоҳ —
сокин кўчалар,
Бир севгидан
оқин кўчалар...

Шоирнинг «Йиллар ўтди қиё боқмасдан...» деб бошлангувчи шеъридан олинган ушбу икки мисра замирида жигар сўхта ошиқ йигитнинг ҳолати, руҳияти пинҳондир. Йигит қизни яхши кўради. Қиз ушбу сокин кўчада яшайди, унинг уйи шундоқ кўча бўйида... Қиз йигитга учрашиб туришга ваъда айлаган, бунга мана шу сокин кўча гувоҳ... Аммо ваъдасида турмаган ёлғончи қиз учрашувга чиқмайди. Ҳатто кўчада кўринмайди ҳам. Интиқ ошиқ йигит эса қизни кўраманмикин, деган илинжда сокин кўчани кезавериб оқин кўчага айлантириб юборади! Шоир юқоридаги гапларни шеърга солиб ўлтирмайди. Балки ҳолатнинг авж нуқтасини айтиш билангина чекланади: «Бир севгидан оқин кўчалар...»

Қуйидаги тўртликка эътибор беринг. Бу ажойиб тўртликда бор-йўғи саккизта сўз бор. Уларнинг ҳам тўрттаси бир хил, қарийб. Демак, тўртта сўзга асосан қурилган шеър. Шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу кам сўзлар воситасида у ҳолатнинг гўзал суратини чиза олган. Бу ерда ошиқ бирлан оқмоқ ва ёнидан оқмоқ ўртасидаги бир фарқ ҳам бор. Ҳатто ошиқ ва оқин ўртасидаги

Мусиқа хиёбони

Сўраган эдингиз

ХОРИЖДА ЮЛДУЗЛАРНИ СЕВИШАДИ

«МУСИҚА менинг жонудилим. Айниқса эстрада қўшиқларини эшитсам... Тағин ўйламанглар, нима бу қиз ўз миллий қўшиқларини тингламас экан-да, деб. Йўқ, аксинча, классик ашулаларни тингласам эриб кетаман. Агар имкони бўлса, 1992 йили Олмаотада бўлиб ўтган Халқаро «Осиё овози» кўрик-танлови ҳақида «Туркистон» саҳифаларида батафсил ёзсангизлар. Ҳеч қаерда ўқий олмадим...

Ф. ТОҲИРОВА,
Оққўрғон».

ЎТГАН ЙИЛГИ «Осиё овози» деярли аввалгиларидан кўпам фарқ қилмадию, лекин... Яшириб нима қиламиз, бу ёғи бозор иқтисодининг шафқатсиз бўҳронлари «Медео»га ҳам етиб келди. Бунинг устига навбатдагиси сал кўримлироқ ва қадрлироқ ўтди десак лоф бўлмас. Нега дерсиз? Аввало совринларнинг аксарияти валюта ҳисобида белгиланди. Ҳатто бир зумлик матбуот қаҳвахонасидаги миттигина бир пиёла қаҳва ҳам валютага пулланди. Яна бир аҳамиятли томони, меҳмонлар сафида Олмаотага ташриф буюрган «юлдуз»ларга катта ҳурмат бажо келтирилди. Улар президентнинг махсус дала ҳовлисидаги уйчаларда яшадилар. Шунингдек, бу галги «юлдуз»лар ўтган йилгиларига нисбатан анча ёрқинроқ ҳам эдилар-да. Александр Серов, Тамара Гвардцетели, Мурат Носиров, Женя Белоусов, Филипп Киркоров, Владимир Пресняков, «Балли» гуруҳи, ҳатто афсонавий «Спейс» ўзининг ажойиб ижрочилари Дидье Маруани, Хироко, Христов, Фонтени ва Патрисия Касслар билан «Медео»ни роса гуллатишди.

Хуллас, бу танловда мезбонлар эмас, меҳмонлар кўпроқ олқишлар олди. Ишонмасангиз, совринлар эгалари рўйхатига бир назар ташланг-а, ўзингиз гувоҳ бўласиз:

Энг олий соврин — «ГРАН ПРИ» туркиялик Шаҳноз ШИДЕМИР (асли касби сувратчи экан)га, биринчи ўрин эса қуриялик Шин Хе БАМга, иккинчи ўрин хитойлик ОРЗИГУЛга насиб этди. Учинчи ўринларни эса қозоғистонлик Манарбек БАЙТАСОВ ҳамда тайванлик Марк Чон КОКлар ўзаро бўлишиб олишди.

Энди икки калима сўз ижрочилик услублари хусусида: Албатта катта кўрикнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бўлади-да. Халқаро миқёсда танилган жюри ҳайъати аъзоларининг назарига тушиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Ҳар бир ижрочининг профессионал маҳорати, ўз овози ва услуби биринчи ўринда кўриб чиқилиши табиий. Бунда асосий роль ўйнайдиган нарса тил эмас, аксинча, қўшиқчи қайси миллат ва элатга мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз миллий эстрада қўшиқчилик санъатини нечоғли эгаллаганига кўпроқ эътибор берилди. Яна бир муҳим жиҳати, халқ мусиқа асбобларининг замонавий техника асбобларига қай йўсинда мослаштирилганлиги ҳам ҳакамлар эътиборидан четда қолмади ва янгича услублар ҳам кашф этилди.

МДҲ давлатларидан иштирок этган қўшиқчиларнинг аксарияти чет эллик мусиқа бозорчиларининг назарига тушишга интилдилар. Лекин... Фақатгина танловнинг фахрли меҳмони, 91-йилги совриндори, ўзбекистонлик бир санъаткор ҳам хорижликлардан энг кўп таклифномалар олди холос.

Ўзбекистондан ташриф буюрганлар эса... Тўғриси, улар орасида фақат Зокировлар сулоласининг энг кенжа вакили Равшан Зокировгина кўрик-танлов дипломанти бўлди. Унга соврин сифатида фестиваль тасвири туширилган дўмбира ва Фарруҳ Зокировнинг шу кўрик-танлов учун махсус тайёрланган энг яхши композициясига 1000 доллар мукофот берилди. Яна бир иштирокчимиз Равшан Каримов эса «Осиё овози» танловининг ҳомийларидан бири томонидан кир ювиш машинаси ҳамда радиотелефон билан тақдирланди.

Н. ЖАЛИЛ тайёрлаган.

Сиз севган қўшиқ

ПАРИРЎЙ САНАМЛАР

«ЎТГАН йиллари «Мусиқа хиёбони» саҳифасида яхши-яхши қўшиқларнинг матнлари мунтазам бериб бориларди. Негадир ана шу анъана кейинги пайтда тўхтаб қолди. Агар шу қизиқарли саҳифа яна тикланса, ажойиб хонанда Муҳриддин Ҳолиқов ижросидаги ёқимли ва кўнгилни эритадиган «Гўзал дилдорга-ей» қўшиғининг тўла матнини эълон қилсангизлар.

Салом билан: Ф. ЭШҚОБИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш институтининг толиби».

Шуҳрат ДЕҲҚОН шеъри

Парирўй санамлар ақлим олсалар,
Армонлар дилимга ғулув солсалар.
Оҳ десам, оҳларим етиб борсалар,
Гўзал дилдорга-ей, ўша дилдорга.

Ишқнинг осмонида қузғунлар учса,
Исмингни баҳорлар гулдан сўраса.
Мен эмас, севгингни хаёллар қучса,
Бу жоним ҳалакда, жоним ҳалакда.

Бир умр биз қилган аҳду-паймонлар,
Кўнглимдан сув ичиб ўсдики жонлар.
Мени олиб кетди ҳуру-ғилмонлар,
Осмону фалакка, осмон фалакка.

Сен босган излардан гуллади чаман,
Самолар қалбимдан излади маскан.
Фақат оғир бўлди ўзи суймаган,
Ўшал юракка-ей, ўшал юракка.

Санъат

БОБУРНИ КЎРИБ КЕЛДИМ

БИЛАСИЗМИ, одамлар кимларни тез ва яхшироқ танийдилар: санъаткорларни. Айниқса қўшиқчи ё раққосаларни. Шунингдек, актёрларни ҳам.

Йўқ, бу гал мен ҳамма танийдиган, биладиган инсон ҳақида ёзаяпман. Ўзим «кашф» қилдим. Кўплар уни кўрмаганлар ҳам. Балки орамизда кўрганлар топилар. Барибир, биламан, эътибор бермагансиз.

ТАНИШИНГ: Зебо ТУРСУНОВА, раққоса. Тошкент Давлат хореография билим юртини тамомлаган. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида ташкил этилган «Тановар» дастасида хизмат қилади. Биринчи марта 1977 йили дуторчи қизлар ижросидаги кўпчиликка таниш «Эрта билан тураман» қўшиғига жўр бўлиб рақсга тушган.

ИЗОҲ:

Газет-журналларда артистлар билан тайёрланган суҳбатларни кўп ўқиганман. Бир-бирига ўхшайди. Мен ҳам Зебо билан роса «дардлашдим». Тўғриси, мулоқотимиз яхши чиқмади. Рости — ўзимга ёқмади. Шунда... кел, шу қиз ҳақида ўзимча кичкина бўлсаям бир нарса ёзай-чи, дедим. Унга кўрсатмадим. «Қани мен айтган гаплар?» — деб хафа бўлмасин дедим-да.

Зебо Қашқадарёнинг Китоб туманидан. Мен уни бешинчи синфда ўқиб юрганимда ойнаи жаҳонда кўриб, бирам ҳавас қилганманки, қўяверинг, қўяверинг. Орадан етти-саккиз йил ўтиб кетди. Ҳеч кўз олдимдан кетмади. Охири топдим. «Сиз ҳақингизда ёзаман!» дедим. У кулди. «Мени ҳеч ким танимайди. Таниқлиларни ёзинг, кейин...» Йўқ, дейман ҳол-жонига қўймай. Охири кўнди.

Эшитинг-а: «Болалигимда радио-телевизорда берилган куй-қўшиқларни кўриб, эшитиб рақсга тушардим. Уйдагилар кулишарди. Ҳали бола-да, катта бўлса кўрасилар, айтсак ўзиям ишонмайди бу ўйнаганларига, деб қўйишарди. Онам раққосаларни жону-дилларидан яхши кўрганликлари учунми, «ўйнайвер қизим, зўр артист бўласан», деб далда берардилар».

У сўзлайверди. Ўқиган мактабида ўтказилган байрамларда ўйинга тушганию, билим юртида таниқли раққоса Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашевадан олган сеҳрли сабоқларигача гапирди. Кейин «Тановор»да бошланган катта синовлар, устозлари Юлдуз Исматова, Ўғилой Муҳамедова ҳақидаги илиқ гаплари... қай бирини ёзай?

Эҳ, эсимдан чиқай депти-я. Айтганчай сарлавҳада ёзувдим-ку. **«БОБУРНИ КЎРИБ...»** Ишонмайсизми? Чин. Утган йили бир гуруҳ ўзбекистонлик санъаткорлар Ҳиндистонга сафар қилдилар. Улар орасида менинг «қаҳрамоним» Зебо ҳам бор эди. Ҳиндлар ўзбек миллий санъатининг бетакрор намуналарини кўриб, тинглаб ҳайратга тушганларини у суюниб-суюниб гапириб берди. Энг қувончлиси, улар машҳур шоир ва саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаган жойларни зиёрат қилибдилар. **«Бобур бобомнинг ғамгин ғазалларини ўқисам, кўнглим эзилиб кетарди. Мана, ҳинд тупроғини ўз кўзим билан кўриб келдим».** Бу сўзлар Зебонинг Ҳиндистон сафари ҳақида айтган хотираларидан бир парча.

Зебонинг ижро этган рақслари ҳақида нима деб ёзсам-а? Дарвоқе, қўшиқчиларни таърифлаш буларга нисбатан осондай. Балки...

ЗЕБОНИНГ ГАПЛАРИ:

— Рақс бизларнинг тилимизга кўчирилмаган дардимиз. Ҳар ким ҳар хил тушунади. Биров енгил, биров оғир дегандай. Ҳатто раққосаларга ғайри кўз билан қарайдиганлар ҳам топилади. Тўй-ҳашамларда санъатнинг кўчасидан ўтмаган отарчи-ўйинчиларнинг беҳаё қиликларини кўриб гоҳо эзилиб кетаман. Одамларнинг истеҳзоли қарашлари, уларнинг ортидан айтган совуқ сўзлари еб юборади... Шул боисми, қариндош-уруғларимнинг тўйларига мени бир хавотир етаклаб боради. «Саёқ ўйинчи келмаган бўлсин-да...»

Санъатнинг қадр-қимматини пул билан ўлчаш даҳшат. Гапираверсам, гап кўп. Қўйинг, синглим мен бир оддий раққоса бўлсам, ҳадеб ул-бул, деб гапираверишг. Уз ишимни севаман. Муҳими шу. Бошқаси бекор. «Тановар»да ўз йўлимни топдим. Маслакдошларим, дардкашларим кўп. Шуларга суянаман...

Нима дейман? Сўнгги сўзни излаяпман. У эса хаёл сураяпти. «Нимани ўйлаяпсиз?» дегим келадию... Сўролмайман. Балки буюк шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига уларнинг дастаси тайёрлаётган «Нодира» рақс-спектаклидаги саҳналарни ўйлаётганмикан? Ё олис Китобда уни соғинаётган жигарларинимми? Билмадим...

Гулчеҳра МИРЗАҲАКИМОВА,
ТошДД журналистика факультети талабаси.

РАҚҚОСА

Кабутар...
Кўзингиз мени хўб отди
Доира титради — яроладингиз.
Бул кеча энг гўзал ўлувни кутдим,
Мақомга осилиб ҳаволадингиз.
Кабутар,
Кабутар — оппоқ ҳур қанот
Самолара гуллар отиб силкинди...
Оҳангларни тилган нур каби тийнат
Куйлар озоридан биза беркинди.
Эшилиб ўйноли кўҳна чарху дун...
Юракка тиғ тортди бармоқларингиз.
Мени олиб учинг... кўнгил ўйноли
Жонни сарҳуш этди қароқларингиз...
Дилни узиб-узиб ўйнадингиз сиз,
Аслида... ўт бирла ўйнашди юрак.
Аслида... хўп... узоқ қийнадингиз сиз
Аслида... мен каби тўкилди фалак.
Кабутар,
Кўзингиз мени хўб отди...
«Тиғи ажал»ми ё бул хиром жоним.
Учдингиз қанотлар кўксима ботди
Бул кеча куй каби тозарди қоним.
Кабутар, кўзингиз мени хўб отди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

БИРЛАШИШДИ

Эстрадачилар аввалига ажралишганди. Энди эса... Маҳмуд Эсонбоев ташаббуси билан тузилган Халқаро эстрада санъати уюшмаси (Ўрисияда) уларни бирлашишга чорлади. Чунки ҳозир қайга қараманг, турли эстрада гуруҳларининг сони мингта. Номлариям ғалати. Лекин кўпга боришмаяпти. Пул топиш қийин. Бўлмаса тамом. Шул боис ҳам улар энди муштни бир жойга қўймаса бўлмаслигини сездилар. Юздан ортиқ «юлдуз»ларни бирлаштирган бу уюшманинг ҳомийси эса шоу-бизнес дунёсини титратган «Ангажемант» фирмасидир.

...куйи-иб жо-ону-у жаҳо-они ўртар...

— ШЕЪРИНИ шундай чиройли аёл шундай чиройли қўшиқ қилиб айтаётганини эшитгудек бўлса мабодо Машраб ўз тақдиридан рози бўларди...

...агар ошиқлиғим айтсамм...

Қадам товушлари узоқдан эшитилар, одимлар оралиғида оғир асонинг кўча турпоғига ботиши ва бир чимдим зар зарраларнинг чирсиллаб сачрашидан таралаётган довуш руҳимда титраб қоларди.

Дунё ўртаниб, гурр-гурр этиб ёнмоқдайди. Аланга тобора қамсаб келар, мен қизиб бораётганим учун кийимларимни бир-бир ечиб отардим. Дунёни олов эмас, қўшиқ қовжиратиб ёқиб, ямларди.

Фаровон дастурхонда бўқаймоқ сингари тўзғиди. Аёлнинг кифтларида селкиллаб турган, қояда синиб-синиб сачраётган шаршарани эслатувчи сочларига илашиб қолди. Қадаҳ-қадаҳга текканда жаранглаб ўқ отилиб, нақ юрагимга тегди. Ўқ азобини унутиш учун бир сипқориб бўшатдим-да, қадаҳни ерга урдим. Шиша бахтим каби чил-чил синди. Чиройли аёл эса шиша синиқларини, худди мени, худди бахтимни, худди муҳаббатимни ерга қораётган каби топтар ва ўз машғулотидан ҳузур оларди.

...аёлнинг хушбичим лабларини қип-қизил из қолдирган қадаҳни ҳумо қуши янглиғ ҳовучимда авайлаб ушлаб турардим. Бир тугунча — ғунчага — аёл лабларидан бахтиёр қадаҳда қолган қип-қизил доғга теккизганимда қовжирабораётган лабларимдан ўт чиқиб, юзим ёниб, қаро бўлди.

...аёл гирводдек буралиб, урчуқдек тобланиб, товусдек эшилиб рақс тушарди. Қўлларн, бармоқларининг ҳар бўғинида талъати беадад гўзалликлар, жозиблар, иффорлар сочиб тўлқинланар, аёлнинг ҳар тўлқинига юзимни бир карра чайиб олгим келарди. Аммо машшотага алим етмас, илким калталик қиларди. Ул бир дафина эдиким, бул ганжи хазинани бир қоп-қора йилон қўриқлаб ётарди. Мен бу йилонни — ганж соҳибини алдаёлмасдим. Чиройли аёл соҳибига аччиқма-аччиқ, қасдма-қасд мени ўзига чорлайверарди.

Оқ илон, оппоқ илон,
ойдинда ётгонинг қани!
Мен ёмондин айрилиб
яхшини топгонинг қани!

ЎРТАР

(БАДЕЪА)

С. Ў.га

Чиройли аёл узун-узун киприкларини юрагимга ботириб олганди, мижгонлари қоп-қора бўлиб чиқди. Аёл юрагимга нина санчгандай, киприкларини бир-бир санчарди. Ҳар киприк ботганида бир бор ихраб юборардим. Чиройли аёлларнинг ҳаммаси бешафқат бўлади. Ул-да киприкларининг учида юрагимни шабнамдай кўтариб оларди, бирпас-икки пас мижгонларида ўйнардида, менинг азиз жонимни тош устига ташлаб юборарди. Кўзларининг учида муҳаббатининг кучини кўрсатар, кўзларининг учини олмос қилиб баҳримни тилар, тилкалар, қабоғининг майдонига жоним уруғини данакдай экиб, қошларининг барги ила чақар, унинг яноғида маним қоним оқар эди.

...куйиб жо-ону-у
жаҳо-они ўртар...
...қадам довушлари тобора
яқинлашарди...
...юрагимдаги ўқ тобора
катталашаверарди...
...бирбир куйиб-ёниб
ўртанарди...

— Чиройли аёл, мен сизга бошқа ҳеч қаерда ҳеч қачон дуч келмайман. Ҳозир ажралишсак, мен сиз учун ўламан, тамом. Келинг, мен билан бир кўл оқ уринг. Сизга дилимни шарҳлагим келяпти. Келинг, мен билан битта оқ уринг, токи мен бу бахтни ўла-ўлгунимча кўксимда кўтариб юрай. Сиз чиройликсиз. Жудаям. Агар йилон бўлмаганида сизни ўзим олиб қочиб кетардим.

...ман-ку сани-и
севиб топтим,
Сан Худодан топгин,
йорим...

Шўр кўлнинг қоқ ўртасида ғарқ бўлаётиб, кўрсам, ўз кўзёшларимга ўзим чўкаётган эканман. «Эй телбан девона, эй ошиқи беқарор, ўксинма, йиғламагил, — дерди аёл, — кел, кўксимга бошингни чўктир». Аёл меҳрибон қўллари ила озурда бошимни силар, ҳар бирини биттадан йигит севса арзигулик бармоқлари ила узун сочларимни тарар, тирноқларидан юлдузлар сочиларди. Аёл йиғламагил деб дилдорлик этган сайин, бошимни силаган сайин, овутмоқчи бўлган сари тобора ўксиниб-ўксиб, бўлиқ кўкракларига, ёп-ёруғ билакларининг ойдин оғушларига, мусаввир чизган каби чип-чиройли оёқларига бош уриб, ўкраб-ўкраб йиғлардим.

Чиройли аёл қошида маним шеърларим ҳам, шойирлигим ҳам бир чақа эканлигини англаб қолдим. Шеърларни, мактубларни атрофимга тўпладим-да, ўт қўйдим. Бир зумда аланганинг қоқ ўртасида қолдим. Бу ҳол самандарнинг ўзи ўтин тўплаб, шу ўтда ўзи ёниб кул бўлишига, ёнаётган самандар чўққа тухум қўйишига ва шул кулдан тағин самандар пайдо бўлишига ўхшарди. Мен самандарга ўхшаб буткул ёниб кетдим. Фақат битта мактуб ёнмай қолди. Чиройли аёл уни кул орасидан олди-да, қоқиб-қоқиб ўқий бошлади. Мана ўша: «Мен «салом»ни еб қўйдим, Салим Ашур! Биламан, саломларим беқадр бўлгуси ул юртларда...

Салим Ашур! Гапларимга ишондингизми? Нима, мени бахтсиз деб ўйлаяпсизми? Дарахтда нечта япроқчалар бўлса, менинг бахтим ҳам ўшанча... Бас! Бошқа ёзолмайман. Алдоқни ёқтирмайман.

Мен «хайр»ни ҳам еб қўйганман».

Чиройли аёл кўз ўнгимда мен учун ғоят қадрли ва азиз бўлган ушбу мактубни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлади.

Дастурхон маъмур эди. Бўш шишалар ҳар кимнинг олдида тўпланиб қолган, шишалар айқаш-уйқаш бўлиб ағанаб ётар, ҳавони шўр ва аччиқ газак, тамаки ҳидлари тутган, кўкиш дуд хониш қилаётган чиройли аёлнинг бетимсол юзида юпқа ҳижоб монанд сирғаларди.

...куйибб жо-ону жаҳонн ўртар...

Дунё мен каби ёниб, ўртаниб борарди. Аёл қўшиқ айтарди: «Ман-ку сани севиб топдим, сан Худодан топгин ёрим...»

...қадам довушлари тобора-тобора яқиндан эшитиларди...

— Шеърини шундай чиройли аёл шундай чиройли қўшиқ қилиб айтаётанини эшитгудек бўлса мабодо Машраб ўз тақдиридан рози бўларди...

ШУ ПАЙТ эшик очилди-ю, қаландар деса — қаландар дегулик, дарвеш деса — дарвеш дегулик бир зоти пок кириб келди. Хуржунининг йиртиғидан юлдузлар тўкиларди.

...шу пайт эшик очилди-ю...
...Машраб кириб келди...
...ага-ар о-ошиқлиғим
айтсам...

Салим АШУР.

«МАНА бундоқ бўлади қўшиқ айтиш...» Бу гапни машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров (чапда) айтса арзийди. Қолаверса, энг суюкли издошларидан бири, «Камолот-91» танловнинг совриндори Валижон Қодиров (ўнгда) дек шогирдларига. Униям яхши танийсиз. «Алпомиш туғиб бер, келинжон» қўшиғини эшитгансиз-а? Шу йигит айтган. Шеърнинг муаллифи эса Рустам Боймуҳаммад (ўртада). Бизнинг мухбиримиз. Яхшигина шоир ҳам. Улар ҳар гал учрашиб қолсалар фақат қўшиқ ҳақида баҳслашадилар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Диққат, танлов!

ЯХШИ ҚЎШИҚ ЭКАН

КЎНГЛИНГИЗ бир қалқиб тушганида шу сўзларни айтгансиз. Ўзингизча ҳиргойи қилиб юргансиз ҳам. Гоҳ тортишиб қоламиз: «Фалончи ҳофиз зўр, унисининг овози яхшимас...» деймиз. Феъл-ларимиз ғалати, дилимиз нозик. Муддао не дейсизми? Яхшиси, эшитинг:

«Туркистон» газетаси яхши ниятлар билан шу бугундан бошлаб «1993 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҒИ» деб номланган танлов эълон қилаётир. Шарти оддийгина: яъни сиз ўзингиз шу йил қайси ҳофиз ё хонанда (унвонидан қатъий назар) ижросидаги қўшиқни энг яхши қўшиқ дея оласиз? Номини, ижрочисини ёзиб юборсангиз, бас.

Соврини катта! Ҳозирча бу сир. Хатларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: **Тошкент 83, Ленинград кўчаси, 32-уй, «Туркистон» газетаси, «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҒИ» танловига.**

Изро Малаков ҳам кетди

КЕЧА олис Шаҳрисабздан бир муштарий сим қоқиб, яқиндагина сизларнинг газетингизда Муҳаббат Шамаева ва Илёс Маллаевларнинг Америкога кетиб қолишгани ҳақида ўқиган эдим. Ҳам севиндим, ҳам куйиндим. Севинганим — улар охири келиб-келиб ўз Ватанларини топгани, куйинганим — ўзбек санъати иккита катта дарахтдан айрилгани. Яна эшитишимча, мақом қўшиқларининг ажойиб ижрочиси, анча вақт бизнинг Шаҳрисабзда яшаган, Изро Малаков ҳам кетиб қолганмиш... Шу ростми?» — деб сўради. Бу ҳақда ҳеч қандай маълумот бўлмагани боис нима деб жавоб беришни билмадик. Ва...

Ниҳоят, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар дастасидагилардан сўраб билдик. Улар ўз ҳамкасбларининг ҳақиқатан ҳам Америкога жўнаб кетганлигини ва у ҳозирги кунда Нью-Йоркда яшаётганини айтдилар.

АҚШ мадҳияси ўзгарадими?

Америка Қўшма Штатларининг мадҳияси қарийб ҳар гал ижро этилганда у ҳақдаги баҳслар авж олаверади. «Юлдузли байроқни» таниқид остига олувчилар янги миллий мадҳия яратиш керак, дейишмоқда.

Шимолий Каролина штатидаги Ралей шаҳарчасида раҳбар кадрларни ёллайдиган фирма ходими Андрес Скаар «Юлдузли байроқ»нинг ўрнини эгаллайдиган энг яхши қўшиқ учун «Америка мадҳияси» умуммиллий танловини уюштирмоқда. Унинг айтишича, ҳозирги мусиқачилар «ҳатто тушида, қўллари боғланган ҳолатда ҳам «Юлдузли байроқ»дан дурустроқ қўшиқ ёза оладилар.

Фрэнсис Скотт Кей «Юлдузли байроқ»ни 1812 йилда, Англия флоти унинг кўз олдида Мэриланддаги Макгенри портини бомбардимон қилган пайти яратганди. 1931 йили бу қўшиқ расман миллий мадҳия деб эълон қилинди. Ўшандан буён қўшиқни турли тарафдан таниқид қилиб келишади. Уларнинг таъкидлашича, кўпчилик кишиларнинг вокаль имкониятлари мусиқий кўламининг кенглиги туфайли қўшиқни ижро этиш имкониятидан маҳрум этади. Бундан ташқари, куй ҳам марш учун тўғри келмайди. Бошқа бир гуруҳ қарши кишилар эса қўшиқнинг милитаристик руҳини, унинг XIX асрга мансуб эскирган сўзларини таниқид қиладилар.

Ҳаммасидан фожиали жойи шундаки, мадҳиянинг оҳанги Англияда дастурхон устида юриладиган «Жаннатдаги Анакренонга» қўшиғидан олинган. 1777 йилда ёзилган бу қўшиқ ичкилликка ва аёлларга ўчлиги билан доврўғ қозонган қадимги грек шоири Анакренонга бағишланган. Скаар мадҳияни ўзгартиришга уринаётганларнинг биринчиси эмас. Вакиллар палатаси аъзоси Эндрю Жекобс «Юлдузли байроқ»ни «Ғаройиб Америко»га алмаштириш ҳақидаги қонун лойиҳасини олти марта муҳокамага киритиб, ҳар гал муваффақиятсизликка дучор бўлди.

Иллинойс штатидаги Глен-эллинлик биржа ходими Жон Подулка Скаарнинг танловига ўзининг «Америко орзуси» қўшиғини тақдим этди. Бироқ қўшиқ Чикаго радиосида янграганидан сўнг ҳеч кимга маъқул бўлмади. Тингловчилар қўшиқнинг фольклорга жуда яқинлиги, қофияларининг ўта жўнлиги сабабли одамнинг ғашига тегишини таъкидлашган.

К. АМИРҚУЛ.



● РОССИЯДА жиноятчиликка, порахўрликка ва бузғунчликка қарши қатъий кураш бошланди. Шу муносабат билан Россия Президенти Борис Ельцин Кремлда махсус йиғилиш ўтказди. «Ҳокимиятнинг барча бўғинлари, — деди у, — бу ўткир муаммо билан шуғулланишга мажбурдирлар. Чунки мафиялар барча россияликларни ташвишга солмоқда». Президентнинг фикрича жиноятчилик ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. «Агар биз, — деди сўзини давом эттириб Президент, — ҳар бир районда, шаҳарда, вилоятда, умуман Федерация бўйича уларга қарши биргалиқда кураш олиб бормас эканмиз, жиноятчилик асло йўқолмайди».

Инғилиздда Миллий хавфсизлик вазирлигига ва бошқа ташкилотларга махсус кўрсатмалар берилди.

● КЕЧА Билл Клинтон Оқ Уйда АҚШ Президенти лавозимини расмий равишда қабул қилиб олди. У иккинчи Жаҳон урушидан кейинги Американинг энг ёш Президентидир.

● РОССИЯДА ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарнинг нархи яна қимматлашармиш, деган миш-мишлар ёлғон экан, ВАЗ раҳбариятининг «Труд» газетаси мухбирига хабар беришича, «Жигули», «Лада» маркали машиналарнинг нархи ўтган йилнинг 7 декабридан кейин ошмаган. Ҳозирги кунда «Ока» ВАЗ — 1111» — 890 минг сум, «ВАЗ—21099» эса 3 миллион 590 минг сўм тураркан.

● ҚИРҒИЗИСТОН Президенти Асқар Акаев уч кунлик ташриф билан Исроил давлатида бўлди.

● ТАНИҚЛИ психотерапевт Анатолий Кашпировский Татаристон бўйлаб сафар қилмоқда. У бир куни сеанс якунида энг яқин дўстларини тўплаб тўй қилди. Миллати чех бўлган Иржина исмли қизга уйланди. Бу ҳақда «Вечерняя Казань» газетаси хабар берди.

АЁЛНИНГ МАРТАБАСИ АЁЛЛИГИДА

«ТУРКИСТОН»НИНГ ўтган йил 19 ноябрь сонида Абдурасул Жумақулнинг «От минган аёллар» номли мақоласи эълон қилинган эди. Ростини айтсам, мақолада кўтарилган фикрлар янгилик эмас. Бироқ айни кўтарилган масала бизнинг оғриқли нуқталаримиздан биридир.

Мен шу кеча-кундузда аёл киши раҳбарлик қилаётанг бир маҳкамани биламан. Исм-шарифларини айтмай қўяқолай. Гап эгасини топади. Ишхонада қанча эркак бўлса, шунча аёл ҳам ишлайди. Раҳбар бўлгач, талаб ҳам шунга яраша-да. У хотиннинг аёлу эркакка талаблари бир хил. Баъзан аёлларни ҳаддан ташқари койиб турганини, қадр-қимматини пастга ураётганини, баъзан эса қўл остидаги эркаклар билан ади-бади айтишаётганини, дўқпўписа қилаётганини кўп кўрганман. Мажлису-йиғинлардаги маърузаларини айтмайсизми... Сўзлари, қўлларини пахса қилиб гапиришлари, ҳатти-ҳаракатлари, ҳатто ҳазилмутойибалари ҳам нақ эркакча бўлиб кетади. Эркаклар у ёқда турсин, ўз «қавм»ларига ҳам мурувват қилмаган, дарду-ҳасратларини аёл қалби билан нозик ҳис этолмаган, уларнинг эҳтиёжларини сариқ чақага олмаган бунақа «қаттиққўл опа»лар ҳаётда озмунча дейсизми? Аёл бригадирлар, аёл котибалар, аёл «мастер»лар, аёл вазирлар... Буларнинг кўпчилиги гапим оғир ботмасину, қарқуноқдан чиққан булбулларни эслатади.

Мен сизга бир гапни айтсам рад этмассиз, албатта. Юқоридаги мақолада айтилганидек, ана шу раҳбарлик лавозимларида иш юритиб, қўл остидагиларга зуғум қилаётган аёлларнинг аксариятида битта ё иккита фарзанд бор. Энди ўзингиз ўйланг. Фарзандсиз ёки кам фарзандли раҳбар билан кўп болали оналарни тенглаштириб бўладими? Бундай болажон аёллардан ишида темир интизом, қатъий бир режим, ошиғич режалар, кечаю-кундуз ишхонада қолиб ишлашни талаб қилишнинг ўзи гумроҳликдир. Лекин мен тилга олган маҳкамада бундай талаблар «раҳбар опа»нинг тилидан тушмайди. Танаси бошқа дард билмас, деб шуни айтадиларда. Қолаверса, оёғи узангига ўрганган аёл умр бўйи эгардан тушмасам, деган хаёл билан яшайди ва ишлайди. Унинг феълида худбинлик, менсимаслик, ўз жинсдошларига нисбатан (нафақат уларга) паст назар билан қараш шаклланади, фикр-ўйда эса гўё у раҳбарлик учун яратилгану, бошқалар унга сажда қилиш керакдек. Аслини суриштирсангиз, улардаги бундай кайфиятни биз ўзимиз келтириб чиқарганмиз. Бу биз билан яшаётган жамият ва у юргизаётган сиёсатнинг меваси. Мева бўлганида ҳам аччиқ мевасидир. Натижада қўлини совуқ сувга урмайдиган, болани тарбиялашни боғча ва яслиларга, ёлланган энагалар зиммасига юклайдиган, ўзлари бўлса «уй чўриси» бўлишдан ҳазар қиладиган бойвуччча, оқ билак хонимлар кўпайди. Ахир болани ювиб-тараш, қозон-товоқ артиб овқат пишириш қаёқдаю, ҳар куни эр ёки хизматкор хотин тайёрлаган овқатни еб-ичиб, машинада ишга бориб-келиш, бешўн ёки юз чоғли одамга буйруқ бериш қаёқда! Албатта кейингиси тузук-да.

Пировардида аёлнинг мартабаси — унинг аёллигида. Бошқа мартабалар ҳаммаси бекор.

Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деб бекор айтишмаган. Етмиш йиллик сиғинганимиз, жами юз ўттиз йиллик қарамлигимиз ҳам етар. Мустақилликнинг нашунамоси бўлакча. Ўзимиз ҳам ўзлигимизга қайтиб, аёлларимизни ҳам ўзлигига қайтарайлик. Ибрат олмоқчи бўлсак, Шарқона қадриятларимиз, дунёга машҳур урф-одатларимиз бисёр. Юксак ва бетакрор маданиятимизни хас-чўплардан тозалаб оладиган вақт келди. Иншоолloҳ!

Зарифа ТЎКАЕВА,
Гулистон давлат университети Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.



Яқинда Тамбов шаҳрида қандолатпазларнинг регионал кўрик-танлови бўлиб ўтди. Биринчи ўрин ҳамда «1992 йилнинг энг яхши қандолатчиси» деган унвон юртдошимиз — тошкентлик Аваз Зокировга насиб этди. Унинг муаллифлигида тайёрланган «Орзу» торти ва «Наврўз» ўрамаси ҳакамлар ҳайъатининг эътиборига тушди. Собиқ СССРнинг 13 жумҳуриятидан ташриф буюрган диди баланд қандолат усталари ҳам унинг истеъдодига тан беришди.

Ҳозир Аваз Зокиров мудирлик қилаётган Яккасарой тумани акционерлик бирлашмасига қарашли «Феруза» қандолат цехи жамоаси Италияда бўладиган қандолатпазларнинг Халқаро кўрик-танловида ўз номзодларини ўтказиш учун ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТДА: қандолатчи уста А. Зокиров.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) сурати.

ЕКИ ЎТА ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИ СЕРГЕЙ МАДУЕВНИНГ ҲАЕТИ ВА ЎЛИМИ ҲАҚИДА

Мўйлаблари сабза урган баланд бўйли, жингалак соч, мовий кўзлари ҳамиша кулиб турадиган Сергей бўй етган қизларнинг ҳузур-ҳаловатини ўғирлаганди. Ҳатто бир неча қиз Сергейни севишларини очиқ-ойдин изҳор ҳам этишганди. Лекин у қизларнинг бирортасини ҳам, тўғрироғи унга севги изҳор этганларини ёқтирмасди. У ўзига ўхшаган бўйчан ва нозик, кўзлари каттакатта, тишлари садафдек ярқираб турадиган қизларни кўпроқ хуш кўрарди. Ана шундай қизларни излаб шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига ўргимчакнинг ини каби минг марталаб қатнагани-қатнаган эди.

У мактабни тугатиш арафасидаёқ шаҳардаги барча ресторанлару, кафеларда айш қилиб ўтиришга улгурган эди. Албатта бу жойларга ҳеч қачон бир ўзи бормасди, ёнида ҳамиша гўзал қизлар бўлишарди. У пулни юзига қарамасди. Керак бўлса ҳатто рақсга тушаётган қизлар устидан дасталаб пул сочарди ҳам.

Бу пулларни у жуда осонлик билан топарди. Асосий касби одамларни тунаш эди. Бирор нарсага аҳд қилдими, албатта уддасидан чиқарди. Гапи гап эди. Айтганини икки қилганларни аёвсиз саваларди. Ҳатто ресторанларга борганда ҳурматини ўрнига қўймаган эшик оғаларини афтига туфлаб юборар, нақд пешонасини мўлжаллаб шунақанги мушт туширардики, уларнинг оғзи бурни қонга тўлиб кетарди.

У ҳеч кимдан қўрқмасди. Ҳатто худони ҳам тан олмасди. Одамларни тунаш, тамагирлик қилиш, ўлдириш Сергей учун оддий одатга айланиб борарди.

У 36 ёшга киргунча уч марта қамалди. Беш марта одам ўлдирди. 60 дан ортиқ турли жиноятларни амалга оширди. Унинг номини эшитиши билан ҳар қандай жиноятчи ҳам ўрнидан тик туриб кетарди.

Сергейнинг лақаби «Червонец» эди. У ўтиришларда қанчалик кўп сарф-ҳаражат қилмасин, улфатларини ўлгунча тўйдириб ичирса-ичирардики, лекин ўзи оғзига бирор марта ҳам спиртли ичимликларни олмаганди. У айниқса, гўзал қизларни ичириб қўйиб, кайф қилдиришни хуш кўрар, ўзи эса лимонад ичиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатар, агар гўзал қизларнинг бирортаси меъёридан ортиқча ҳаракат қилиб, унинг жиғига тегса борми, ҳар қандай жой бўлишидан қатъи назар унинг юзига туфуриб юборар, йўқса, ҳеч аямай қулочкашлаб соларди.

Унинг доврўғи кунданкунга у шаҳардан бу шаҳарга гўё елвизакдек кириб борар, жиноятчиларни ҳам, ички ишлар ходимларини ҳам юрагига ғулғула соларди.

Эсида, иккинчи марта ўтирганида зонага «ҳамкасабалари» ўта ашаддий, бири-биридан бақувват, қолаверса, «ит» кўрсатишда — ўғирлиги туғишда ҳам, қотилликда бири-биридан қолишмайдиган ўн иккита ёш йигитни киритишди. Улар ғойибдан «Червонец»дан ўч олишни ният қилиб юрган жиноятчилар эди. Ҳаммасининг қўлида ё пичоқ, ё арматура бор эди.

Очиқда — озодликда юрган Сергейнинг ғанимлари бу гапдан огоҳ топиб энди уни ўлдига чиқаришганди. Йўқ. улар янглишишган экан. Ўша кунги воқеа Сергейнинг ёдида бир умрга муҳрланиб қолган. Кечаси эди. Чамаси ярим тунлар бўлса керак. Ҳеч кутилмаганда унга ташланишди. Эҳ-ҳе, Сергей қанчадан-қанча жанжалларни, муштлашишларни бошидан кечирмаган дейсиз. Лекин бунақаси бўлмаган. Ўн икки барваста йигит билан салкам икки соатлар чамаси олишди. Ўшанда у ўзида қандайдир илоҳий куч борлигини биринчи марта ҳис этди. Шу қадар қаттиқ жанг бўлдики, асти қўяверасиз.

Тўс-тўполон, ҳаддан ташқари сўкишларга бой бўлган жанг шу билан тугадики, «Червонец»га ташланганларнинг ҳаммаси ҳам деярли ўлакса ҳолига тушиб қолишди. Ҳаммаси ерпарчин бўлди. Ҳатто уларнинг эмаклашга ҳам ҳоллари келмай қолди. Эртасига эса бу ҳақда бутун зонага ёйилди, кейинчалик эса собиқ СССРнинг деярли ҳамма қамоқхоналарига бу олишув ҳақидаги хабар катта бир тантана билан кириб борди. Энди у билан фақат зонадаги маҳбусларгина эмас, балки у ердаги ички ишлар ходимлари ҳам эҳтиёткорлик билан гаплашишар, унинг ғазабини қўзитишдан рости қўрқишар эди...

Йўлакда қадам товушлари эшитилди. Сергейнинг хаёли қочди. Қадам товушлари тобора яқинлаша бошлади. Улар ўтирган хонанинг эшиги олиб ташланганда учун Сергей келаётганларни узоқданоқ кўрди. Икки-учта ички ишлар ходимлари. Пагонларидан кўриниб турибдики, ҳаммаси ҳам раҳбарлардан.

— Яқинлашмаларинг, портлатиб юбораман, — қўлидаги гранатани юқорига кўтариб, келаётганларни тўхтатди «Червонец».

— Майнавозчиликни бас қил, — деди милиция ходимларидан бири, — барибир қўлга тушгансан-ку, тасқолларинг, ғашимга тегаверсаларинг, ҳаммангни аспаласопилинга жўнатаман.

Унинг ҳайқириғидан сўнг ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Дўпир-дўпир қилиб қадам товушлари олислади ва сўнгра бутунлай тинди. Сергей ёнидаги ҳамхонасига назар ташлади. Қўлини иягига тираганича у мудраяпти. Чамаси анча вақт ухламаган кўринади.

— Тавба, мана-мана ўлай деяптику, кўзига уйқу кўнганини қаранг. Довюрак йигитга ўхшайди, — кўнглидан ўтказди «Червонец». Кейин яна дераза ортига — вокзал томонга қараб бўлиниб кетган хаёлларини жамлай бошлади...

Бир куни унинг олдига шаҳардаги майда қилмишлари билан «анча» ном қозонган жиноятчи кириб келди. У ёқ бу ёқдан ҳол-аҳвол сўрашган бўлди-ю, тўғридан-тўғри мақсадга ўтди:

— Мана 50 минг. Бир одамни тинчитиш керак.

— Тинчитиш бўлса, тинчитамизда, — пулларни олдига тортаркан совуққонлик билан келгиндига паст назар билан қарагандай деди у.

Кейин ўзи «тинчитиши» лозим бўлган одамни орқаворотдан яхшилаб суриштирди. Билсаки, у одам отасиз ўсган, ўзининг ғайрат-шижоати билан олий билимгоҳни тугатган, кейин эса шаҳардаги катта бир корхонанинг раҳбар ўринбосари лавозимигача кўтарилган. У қандайдир яна бир катта ташкилотга раҳбарлик лавозимига тайинланиш арафасидаю, кимнингдир йўлига ғов бўлган чамаси, шунинг учун уни тинчитиш лозим бўлган экан.

Тўппа-тўғри ўша раҳбарнинг олдига кириб борди.

— Ҳойнаҳой мени эшитган бўлсанг керак, — ҳеч қандай такаллуфсиз столга ўтириб гап бошлади Сергей. — Сени тинчитишим керак экан. Кимларгадир ёқмабсан.

У ёнидан бир даста пулни чиқариб, раҳбарнинг олдига ташлади:

— Булар сенинг бошинг эвазига аталган. Эшитдим, яхши одам экансан. Омадинг келсин. Бу пуллар эса сеники.

У қандай шаҳд билан кирган бўлса, шундай шаҳд билан ҳеч қандай хайр-хўшсиз чиқиб кетди. Кўп ўтмай эса йўқ қилиниши лозим бўлган ўша одам янги лавозимга кўтарилди.

«Ишни бажаролмагани» учун унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлишди ҳамкасблари. Лекин уддасидан чиқолмадилар. Оқибатда шу бўлдики, унга қасд қилганларнинг бири салкам уч ойдан кўпроқ касалхонада ётишга мажбур бўлди. Сергей унинг оёқ-қўлларини синдириб ташлаган эди.

Кейин — яна зонага тушганида уни ўша кўтарилган раҳбар унутмади. Бундай бўлишини Сергейнинг ўзи ҳам кутмаганди. Раҳбар уни «йўқлаб» турарди. Албатта бу йўқловлар қуруқ бўлмасди. Яхши-яхши озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар билан бўларди.

Кейин у зонадан қочди. Бу 1988 йилнинг 6 декабрида содир бўлди. Олмаотадаги қамоқхонадан. Милиция ходимлари яна уни излашга тушишди. Зудлик билан собиқ СССРнинг турли ҳудудларига шошилинч хабарномалар юборилди. Унда Сергейнинг ўта хавфли жиноятчи эканлиги алоҳида таъкидланганди. Мамлакат бўйлаб Бутуниттифоқ қидируви бошланди. У шундай бўлишини олдиндан сезган ва билганди. Лекин Сергей ҳам анойилардан эмас, ўзини қандай эҳтиётлашни яхши билади.

У «сафарини» Гуржистондан бошлади. Яна бир неча одамнинг уйини тунади. Гуржиларнинг ўғри Отасини яхшилаб жазолади. Мўмайгина пул йиғди-ю, қайдасан Тошкент, деб йўлга тушди. Бу гал у бир ўзимасди, ёнида шериги ҳам бор эди.

Сергей бу ерда ҳам майда ишларга қўл урмади. Аввалига бир аёлни уйида ўлдириб, бор-йўғини шилиб кетди. Кейин эса Ўзбекистонда машҳур бўлган кишилардан бирининг уйига кириб, 200 минг пулни ўмариб кетади.

Ў Тошкентда ҳам айшуишратни қўймасди. Деярли ҳар куни шаҳарнинг энг машҳур ресторанларида бўлар, ўзига ёққан чет бурчакдаги столлардан бирига ўтириб олганча дўстини ёки бирор нозанинни мафтун этарли даражада ўзининг саргузаштларга бой ҳикоясини тинглашга мажбур этарди. У ўзини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тутарди. Қаергa бормасин ҳамиша ёнида наган ва граната юрарди.

— Ҳар қалай шундай бўлгани маъқул. Билиб бўладими, — кўнглидан ўтказарди у.

Чамаси 90-йилнинг 5 январи бўлса керак. Шериги билан навбатдаги тунги «овга» чиқишди. Бу галги танланган номзод ҳам чаккилардан эмас.

— Миллиардер бўлмаса ҳам, миллионер. Гапимга ишонавер, — номзодни таъсия қилган тошкентлик «ҳамкасб»ларидан бири шундай деди унга.

Шайхонтоҳур райони ҳудудидаги уйлардан бирига кечаси ҳеч бир қийинчиликсиз кириб олишди. Сергей ҳожатхонага яшириниб олиб, уй эгаларидан бирининг келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Тун ярмидан оға бошлади. Ҳа деганда уй эгаларидан дарак бўлавермади. Сергей шунда дўстини уйга киришга мажбур қилди. Ўзи эса яна жойида қолди. Мана ниҳоят кимдир чиқди. Кампир экан. Аёл бошига жун рўмолини ўрайўрай у томонга кела бошлади.

Сергей уни хиппа томоғидан бўғди. Кампирнинг жони чиқиб кетди. Ҳар қанча типирчиламасин, Сергейнинг пўлат қўлларидан қутилолмасди. Кўп ўтмай у ҳолидан тойди. Типирчилашни бас қилди.

— Жим, товуш чиқарсанг, нақ пешонангдан отиб ташлайман. Сенинг ўлигингдан кўра, менга пул керак. Берсанг вассалом, омон қолдим деявер, — ўнг қўлидаги наганни кампирнинг пешонасига тираб деди Сергей ва қўшиб қўйди:

— Қани, уйга бошла.

Ҳали остона хатлаб улгурмаслариданоқ ичкаридан тўппончанинг овози эшитилгандек бўлди. Кампирни судраганча ўша хонага отилди Сергей. Кирса уйда 20 — 25 ёш чамасидаги йигит хонанинг ўртасида узала тушиб чўзилиб ётибди. Юрагидан тирқираб қон оқиб, атрофга ёйилмоқда. Бурчакда эса ранги-рўйи қув ўчган шериги сўлиб турибди. Нима учундир у қорнини маҳкам чангаллаб олган. Оппоқ юзлари гоҳи-гоҳида қаттиқ бурушиб кетади.

(Давоми бор).

ФУТБОЛ, ҚИШ ВА «ПАХТАКОР»...

Янги йил арафасида бўлиб ўтган Ўзбекистон футбол федерацияси ижроия қўмитасининг йиғилишида 93-йилги биринчилик масаласи муҳокама қилинганди.

Унда иккинчи мустақил чемпионатни одатдагидан эртароқ — март ойи бошидаёқ бошлаш таклиф қилинди. Чунки федерациямиз 4 декабрда ФИФАга аъзо бўлди. Ҳудудий жойлашишимизга қараб Осиё футбол конфедерацияси таркибига қабул қилиндик. Август ойидан жамоаларимиз Осиё кубокларида иштирок этишлари мумкин. Мамлакат биллур соврини ўйинлари эса янада эртароқ — 7 февралда бошланади.

25 январдан эса Москвада мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари чемпионларининг турнири бошланади. Бизда чемпионларимиз иккиталиги учун ўзаро келишувга кўра «Пахтакор» қатнашадиган бўлди. Дарвоқе, турнир соврини ҳам чакки эмас. 20 миллион сўм. Шундан 7 миллиони голиога. Командамизда устоз алмашди. Чет эл хизмат сафарига тайёргарлик кўраётган А. Иноятов ўрнига энди Рустам Мирсодиқов «Пахтакор»га мураббий бўлди. Унга Аҳмад Убайдуллаев ва Николай Любарцевлар ёрдам беришади. Ўйинчилар таркибида деярли ўзгаришлар йўқ.

ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон футбол федерациясининг пленуми бўлиб ўтди. Федерация Президенти этиб яна Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Иброҳимович Фозилбеков қолдирилди. Вице-президентлар Элмар Аминов ва Наримон Жалоловлар ўз аризаларига кўра ишдан бўшашди. Уларнинг ўрнига Баҳодир Қаюмов ва Шавкат Тўлагановлар тайинланди. Футбол федерациясининг бош котиблиги вазифаси Салим Эшмуҳамедовга топширилди.

БОЖХОНАДАН МАКТУБ

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Москва шаҳридаги «Тори» кичик корхонасининг Улан Удэ шаҳрига жўнатаётган 3 миллион 652 минг 700 сўмлик 20754 шиша «Советское шампанское» виноси асоссиз юборилаётгани учун мусодара қилинди. Бундан ташқари шу корхона директорининг ўринбосари С. Соннинг чўнтагидан унинг Юқори Чирчиқ туманидаги «Ленинский путь» жамоа хўжалигида яшашини билдирувчи ҳужжат чиқди. Ҳўш, нимаси ажабланарли, деб айтишингиз табиий. Шуниси қизиқки, Тошкентдаги ушбу вино корхонаси директори ўзининг бир суҳбатида биз маҳсулотни фақат давлат корхоналарига берамиз, деганди. Унда бу моллар москвалик товламачилар қўлига қандай тушиб қолди?

* * *

Қорақалпоғистондан ўтиб кетаётган «КАМАЗ-5320» русумли, давлат белгиси 35—23 КПП машинасида ўнта отнинг олиб кетилаётгани маълум бўлди. Отларнинг «эгаси» Хўжайли туманидаги Ҳамза номидаги жамоа хўжалиги ижарачиси А. Олланазарова. Ноқонуний олиб кетаётган отлардан эндиликда қишлоқ хўжалигида фойдаланишади.

* * *

«Китоб» темир йўли станциясидан Хабаровск ўлкасига жўнатилиши керак бўлган 4 та вагонга ҳужжат тўғрилаш учун энди эҳтиёж йўқ. Сабаби Шаҳрисабздаги 2-дўкон ва Қарши шаҳридаги «Азия Востока» фирмаларининг ҳамкорликда қилган ҳуфия ишларига барҳам берилди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз совуқ ўлкага юборилаётган 27 тонна пиёз, 31 тонна олма, 120 килограмм лимон, 70 тонна сабзавот консерваси (жами 3 миллион 800 минг сўмлик) ортилган жойидан туширib қолинди. Қонунга хилоф равишда иш тутган 2-дўкон мудири Н. Қиёмов ва «Азия Востока»нинг президенти Б. Бойназаровларга 10 минг сўмдан жарима солинди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.

ТАҲРИРИЯТДАН: 22 январь куни соат 21.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси орқали намойиш этиладиган «Шаҳар бедарвоза эмас» кўрсатувида Республика Давлат божхона қўмитаси ходимлари билан бевосита мулоқот ўтказилади. Унда ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Газета саҳифаланаётганда:

МОЛИНИ СОТИБ, ЭШАГИДАН АЙРИЛДИ

Камбағални туянинг устида ит қопди деганлари шу бўлса керак-да. Бўлмаса келиб-келиб ўғри тушмагурлар бир деҳқонинг шўрини қуритишармиди?

Воқеа шундай бўлганди: анчадан бери яхши кунларимга яраб қолар, деб парвариш қилиб юрган молини Ҳайриддин ака бозорга чиқариб сотди. Албатта, мўмайгина пул ҳисобига. Қувончини ичига сиғдиролмаган деҳқон шўрлик чойхонага чиқди-ю, шу ҳақда оғзидан гуллаб қўйди.

Чойхонадан қайтиб келса, уйнинг ҳамма ёғи тит-пит қилиб ташланган. Дарҳол пул яширган ерини титкилай бошлади. Не кўз билан кўрсинки, пул йўқ. Қидирмаган жойи қолмади. Аммо уни тополмади. Бир сўмини ҳам қўймай олиб кетишибди.

Ғамга ботган деҳқон даладан эшагини олиб келаман деб борса, ўлганнинг устига тепган қилиб уни ҳам ўғирлаб кетишибди. Қидир-қидир қилиб, охири кимлардир орқали ўз эшагини аввалги нархига қараганда қимматроқ сотиб олди шўрлик.

Келгуси сонда:

● ЭЛ СУЙГАН МАРКС

● ОКЕАН ОРТИДАН ВАТАННИ ҚУМСАБ

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.30 га белгиланган. Чоп этиш учун 22.00 да имзо чекилди. Буюртма Г—21 1 2 3 4 5 6